



АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА МЕТОДОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Отабек Баракаев,

*PhD, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
Аудит услубиёти ва аудиторлик ташиқлотлари иши
сифатини ташиқи назоратдан ўтказиши бўлими бошлиғи,
Тошкент, Ўзбекистон. Email: otabekbaraka@gmail.com
ORCID: 0000-0001-9624-4023*

IMPROVING THE METHODOLOGICAL CONCEPT OF CORPORATE GOVERNANCE IN AUDIT ACTIVITIES

Otabek Barakayev,

*PhD, Head of the Department of Audit Methodology and
External Quality Control of Audit Organizations of
the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan,
Tashkent, Uzbekistan. Email: otabekbaraka@gmail.com
ORCID: 0000-0001-9624-4023*

JEL Classification: M4, M42

Аннотация: Мазкур мақолада хорижда сўнгги йилликларда рўй берган қатор молиявий муваффақиятсизликлар ва инқирозлар, уларнинг сабаблари, жумладан бошқарувнинг ва муаммоларнинг олдини олиши маҳорати йўқлиги, тегишли назорат чораларининг етишмаслиги кабилар келтириб ўтилган. Ушбу молиявий муваффақиятсизликлар ва инқирозлар натижасида инвесторларнинг молиявий ҳисоботларга ва бошқарув ҳисоботига ишончи аҳамиятли даражада пасайди. Бу сингари катта молиявий инқирозлар аудиторлик касби нуфузига катта таъсир кўрсатди ва жамоатчилик аудиторнинг жавобгарлиги ва мустақиллигини англаши туфайли аудиторлик касби қийинчиликларга дуч келди. Бундай муаммоларнинг сабаби сифатида катта аудиторлик компаниялари ҳам иштирок этган, улар аудиторлик хулосаларида модификацияланмаган (ижобий) фикр билдирган, компанияларнинг молиявий аҳволи фирибгарликлардан холи эканлиги

тасдиқлагани кўрсатилган. Йирик компанияларда аудит қўмитаси ва ички назорат тизими соҳаларидаги заиф томонлари корпоратив муваффақиятсизликка олиб келганлиги, чунки мазкур тизимлар корпоратив бошқарув механизмларида марказий мониторингни таъминлайди. Шунинг учун корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг ўрни зоят муҳим ва марказий аҳамият касб этади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, аудиторлик фаолиятининг корпоратив бошқарув тизимидаги аҳамияти ва вазифалари, замонавий корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиши ва унинг назарий асослари, корпоратив бошқарувнинг назорат функцияси ҳамда аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган янгича таъриф, корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятини оширишининг "уч оёқли восита"си орқали асослантириш, корпоратив бошқарув тизимида аудит ва ички аудит хизматининг амалиётдаги ҳолати,

корпоратив бошқарув тизимида аудит қўмитасини ташкил этишининг асослари ва унинг янги вазифалари, Ўзбекистоннинг корпоратив бошқарув тизимида аудит қўмитасини қиритиш ва унга муаллифлик таърифини бериш орқали замонавий корпоратив бошқарув тизими таклиф этилган. Шунингдек, (ташқи) аудит, аудит қўмитаси ва ички аудитнинг ўзаро боғлиқлиги, хориждага сўнги йилликларда қатор молиявий муваффақиятсизликлар ва инқирозлар, уларнинг сабаблари, корпоратив бошқарув тизимида аудитга бўлган зарурат, хусусан хорижий тажрибалар ва олимларнинг тадқиқот ишларидан ҳаволалар келтирилган.

Abstract: This article lists a number of financial failures and crises that have occurred abroad in recent years, their causes, including the lack of management and problem-solving skills, and the lack of appropriate oversight measures. As a result of these financial failures and crises, investors' confidence in financial statements and management reporting has declined significantly. Major financial crises like these have had a major impact on the reputation of the auditing profession, and the auditing profession has faced challenges due to the public's understanding of the auditor's responsibilities and independence. The reason for such problems was the involvement of large audit firms, which expressed an unmodified (unqualified) opinion in the audit report, confirming that the financial condition of the companies is free from fraud. Weaknesses in the audit committee and internal control systems in large companies have led to corporate failure, as these systems provide central monitoring in corporate governance mechanisms. Therefore, the role of audit in

the corporate governance system is very important and central.

Therefore, the importance and tasks of auditing in the corporate governance system, the formation of a modern corporate governance system and its theoretical foundations, a new definition of corporate governance control functions and auditing activities, the theoretical and legal basis of audit in corporate governance Substantiation of the importance of a modern corporate governance system was proposed by giving it an authoritative definition. Also, the interdependence of (external) audit, audit committee and internal audit, a number of financial failures and crises abroad in recent years, their causes, the need for audit in corporate governance, in particular, foreign experience and research of scientists links from their work.

Калим сўзлар: аудит, аудиторлик фаолияти, корпоратив бошқарув, аудит функцияси, ички аудит, ташқи аудит, аудит қўмитаси, молиявий ҳисобот, аудиторлик хулосаси.

Keywords: audit, auditing activities, corporate governance, audit function, internal audit, external audit, audit committee, financial reporting, audit report.

Кириш. Жаҳон амалиётида корпоратив ҳисобдорликнинг ривожланиши натижасида аудитнинг вазифаси тубдан ўзгариб, ташқи ва ички аудит, аудит қўмитасини ўз ичига олган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини оширадиган “аудит учлик”ни амалга ошириш заруратини кўрсатиб берди. Шу сабабдан тадқиқотчилар томонидан корпоратив бошқарув тизимида алоҳида ҳоллардагина ички аудит, аудит қўмитаси ҳамда ташқи аудит борасида илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Бирок корпоратив

бошқарувнинг “уч оёкли воситаси” сифатида корпоратив назоратни таъминлайдиган ташқи ва ички аудит ҳамда аудит қўмитасининг ўзаро самарали муносабатларини ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда [16].

Ўзбекистонда глобаллашув шароитида иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш, жаҳон молия бозорига интеграциялашувини тезлаштириш ва капитал бозорини ҳамда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, замонавий корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш энг муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда реал мулкдорлар синфининг шаклланиши ва хусусийлаштирилган корхоналарда самарали корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш орқали иқтисодиётни бозорга асосланган моделига ўтиш учун иқтисодий-ҳуқуқий асослар яратилиб келинмоқда. Бугунги кунда корпоратив бошқарув асосида акциядорлик жамиятлари, маъсулияти чекланган жамият, акциядорлик компанияси, холдинг шаклидаги корхоналар кенг тарқалган.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ортидан корпоратив бошқарувнинг феномен даражага чиқиши унинг самарадорлигини янада оширишга, замонавий концепцияларнинг вужудга келишига туртки бўлмоқда. Бугунги кунга келиб корпоратив бошқарув (Corporate Governance) компаниялар самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим тизимга айланиб бормоқда.

Ўтган асрда юз берган корпоратив таназзуллар кўплаб кишиларга, аввало, молиявий сармоялари беҳуда кетган акциядорларга, компанияларнинг бир кечада йўққа чиққан пенсия таъминоти ва ишини йўқотган ходимларига, таъминотчиларига ҳамда маҳаллий ва халқаро ҳамкорларига иқтисодий жиҳатдан катта салбий таъсир кўрсатган.

Материал ва метод. “Корпоратив бошқарув” тушунчасининг ифодаланиши у ёки бу муаллифнинг тадқиқот соҳасига боғлиқ. Шуларни инобатга олиб ушбу тушунчани ёритиб берган хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган таърифларнинг энг асосийлари деб билганлар 1-жадвалга мувофиқ келтириб ўтилади.

1-жадвал

Корпоратив бошқарув тушунчасининг таърифланиши¹

Муаллифлар	Таъриф
Tricker (1984 й.)	Бошқарувнинг роли нафақат компаниянинг фаолияти билан боғлиқ, балки корхонага умумий йўналиш бериш, бошқарувнинг ижро этувчи хатти-ҳаракатларини кузатиш ва назорат қилиш, шунингдек, ҳисобдорлик ва қонуний талабларни қондириш билан манфаатлар бўйича тартибга солиш.
Parkinson J.E (1994 й.)	Корпоратив бошқарув – бу компания раҳбарияти акциядорлар манфаатлари йўлида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун мўлжалланган қузатув ва назорат жараёни.
Sir Adrian Cadbury Cadbury ҳисоботи (1992 й.)	Корпоратив бошқарув – бу компанияларни бошқариш ва улар фаолиятини назорат қилиш тизими.

¹ Манба: Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.

<p>Д.Х.Суёнов (2008 й.)</p>	<p>Корпоратив бошқарув–бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир</p>
<p>И.А.Храброва (2000 й.)</p>	<p>Корпоратив бошқарув – бу бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини, энг мақбул ташкилий тузилмаларини бошқариш, қабул қилинган мақсадлар асосида компаниянинг ички ва фирмалараро муносабатларини йўлга қўйишдир.</p>
<p>М.Хамидулин (2007 й.)</p>	<p>Корпоратив бошқарув – бу корпорация мулкдорларининг корпорация капиталини шакллантиришга, ундан фойда олиш мақсадида янада самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадларни корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик муҳим қарорларни белгилаш, таърифлаш ва қабул қилишга доимий ва реал таъсирини таъминлашдаги онгли, бевосита иштирокидир</p>
<p>А.Ҳашимов (2007 й.)</p>	<p>Корпоратив бошқарувнинг асосий мазмуни акциядорлик жамиятининг фаолиятига жалб этилган турли шахслар манфаатлари мувозанитини ўрнатишдан иборат.</p>
<p>Б.Беркинов (2005 й.)</p>	<p>Корпоратив бошқарув тизими-бу мураккаб, тез ўзгарувчан механизм бўлиб, у бир-бирига боғлиқ қўллаб ташкил этувчилар, жумладан, қонунчилик, қонуности ҳужжатлари ҳамда корпорацияни мулкдорлар, бошқарувчилар ва кредиторлар томонидан назорат қилишнинг ички механизми ҳисобланувчи ички меъёрлар ҳужжатлар мажмуини ўз ичига олади.</p>
<p>А.Каримов (2006 й.)</p>	<p>Корпоратив бошқарув-бу шундай тизимки, у орқали хўжалик юритувчи субъектга раҳбарлик қилиш, ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий ресурсларини бошқариш, мулкдорлар ҳамда инвесторлар сармояларини бошқаришнинг самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаш, манфаатдор томонларнинг қизиқишларини аниқлаш, бир-бирига мослаштириш, олинадиган даромадларни уларнинг ҳиссасига монанд тақсимлаш учун мўлжалланган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар амалга оширилади</p>
<p>З.Ашуров (2019 й.) (молиявий нуқтаи-назардан)</p>	<p>Корпоратив бошқарув-капитал таъминотчиларни (инвесторлар, акциядорлар) корпорацияга қўйган пул маблағларининг қайтимини ишончли қафолатлаш ва таъминлаш ҳамда уларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда корпорациянинг молиявий ресурсларни оқилона ишлатилиши ва адолатли тақсимланишини назорат қилиш борасида ягона қарорга келиш воситаси</p>

Мазкур соҳадаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг корпоратив бошқарув тушунчасига берган таърифларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида биз *корпоратив бошқарувнинг назорат функцияси ҳамда аудиторлик фаолияти билан боғлиқ* куйидагича таърифини келтириб ўтаемиз:

Корпоратив бошқарув - мазкур тизимдаги бошқариш тузилмаси (акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи, аудит қўмитаси, аудиторлик ташкилоти ва ички аудит) иштирокчиларининг ўзаро самарали муносабатини, ташкилотларни бошқариш ва ахборот асимметриясини камайтиришга, раҳбарият томонидан молиявий ҳисоботларда жиддий хатоларга йўл қўймаслигига ҳамда турли томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган, мониторинг механизми ҳисобланган аудит орқали назорат қилиш тизими ҳисобланади [16].

Корпоратив бошқарув тушунчаларига берилган таърифларга хилма хиллик асосида ёндашилганининг яна бир сабаби бу амалиётда турлича корпоратив бошқарув моделларининг амал қилиши билан боғлиқдир. Бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг Англо-саксон (Инглиз-Америка) модели ва Континентал Европа (Германия) модели ҳамда аралаш (Япония) моделлари мавжуд.

Замонавий корпоратив бошқарув тизимига доир илмий тадқиқот олиб бораётган олим З.Ашуровнинг илмий асарларида мазкур соҳада бир қатор янги тушунча ва таърифлар илмий асосланган ҳамда амалиётга муваффақиятли жорий этилгани билан асосланиб берилган. Жумладан мазкур илмий ишда корпоратив тузилмалар қаторига алоҳида тузилма сифатида “акциядорлик

корхонаси”ни киритган. Сабаб сифатида акциядорлик мулкига асосланган турли ташкилотлар (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, банк, суғурта ташкилотлари, биржалар, инвестиция фондлари ва б.) акциядорлик жамияти шаклида бўлсада, уларнинг ҳаммаси ҳам акциядорлик корхонаси шаклида бўла олмаслигини келтиради [15].

Хорижда сўнгги йиғирма йилликларда қатор молиявий муваффақиятсизликлар ва инқирозлар дунё эътиборини тортди. Мисол сифатида Enron, WorldCom, Tyco, Parmalat ва бошқа кўплаб йирик инқирозларни айтиб ўтишимиз мумкин. Бошқарувнинг ва муаммоларнинг олдини олиш маҳорати йўқлиги, тегишли назорат чораларининг етишмаслиги туфайли миллиардлаб қийматдаги буюртмалар асосидаги кўплаб лойиҳалар бекор қилинди. Ушбу молиявий муваффақиятсизликлар ва инқирозлар натижасида инвесторларнинг молиявий ҳисоботларга ва бошқарув ҳисоботига ишончи аҳамиятли даражада пасайди. Бу сингари катта молиявий инқирозлар аудиторлик касби нуфузига катта таъсир кўрсатди ва жамоатчилик аудиторнинг жавобгарлиги ва мустақиллигини англаши туфайли аудиторлик касби қийинчиликларга дуч келди. Бундай муаммоларнинг сабаби сифатида “ушбу инқирозларда нафақат компаниялар, балки Артур Андерсен сингари аудиторлик компаниялари ҳам иштирок этган, улар Enronнинг аудиторлик хулосасида модификацияланмаган (ижобий) фикр билдирган, компаниянинг молиявий аҳволи фирибгарликлардан холи эканлигини тасдиқлаган”ни кўрсатилган [8]. Enron каби йирик компанияларда аудит қўмитаси ва ички назорат тизими соҳаларидаги заиф томонлари корпоратив

муваффақиятсизликка олиб келганлигини кўришимиз мумкин.

Чунки мазкур тизимлар корпоратив бошқарув механизмларида марказий мониторингни таъминлайди. Шунинг учун корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг ўрни ғоят муҳим ва марказий аҳамият касб этади.

Ахборот ошкоралигини таъминлаш шаффофликнинг ошишига олиб келади ва бу бутун дунё бўйлаб корпоратив бошқарувни ислоҳ қилишнинг энг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади. Корпоратив ошкораликни ошириш Ўзбекистонда ҳам бошқа мамлакатларда ҳам корпоратив бошқарувни ислоҳ қилишда энг муҳим қадам ҳисобланади. Cadbury Code (Кадбери ҳисоботи)да таъкидланганидек “Бозорларнинг ҳаёт қонуни ҳисобланадиган ахборот ва унга боғлиқ маълумотлар оқими йўлидаги тўсиқлар бозорнинг номукаммалигини англатади... Компаниялар фаолияти қанчалик шаффоф бўлса, уларнинг қимматли қоғозлари шунчалик юқорирок баҳоланади” [7].

Жаҳон амалиётида Enron каби компанияларда бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари менежмент томонидан бошқарилган. Бундай ҳолларда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар агентлик муаммоларини камайтириш ўрнига кўпайишига олиб келган, чунки “ижодий” (қайта ишланган) бухгалтерия маълумотлари компаниянинг обрўсини атайлаб туширади. Шунга қарамай, “ҳалол” бўлган компанияни шаффофлиги уни янада юқори даражага олиб чиқади ва шу билан агентлик харажатларини камайтиради. Ушбу ҳолатда корпоратив ошкор қилишнинг ҳуқуқий жиҳатларини кўриб чиқиш фойдалидир. Гарчи молиявий ҳисоботлар компаниялар учун қонуний талаб бўлсада, маълумотни ошкор қилмаган, нотўғри ёки

кеч тақдим этган компаниялар учун санкциялар жиноий жавобгарлик эмас, балки маъмурий жавобгарлик белгиланади. АҚШнинг 2002 йил 30 июлдаги Сарбейнз-Оксли (Sarbanes-Oxley Act, SOX) қонуни билан киритилган кучли назорат туфайли директорлар маълумотлар ошкоралиги учун шахсан жавобгарликка олиб келади [14]. Бироқ, Буюк Британиянинг амалдаги қонунчилиги шароитида, маълумотни етарли даражада ошкор этмайдиган компанияларга фонд бозорида рўйхатдан ўтиш ёки инвесторларни жалб қилиш қийинлашади. Республикамизда капитал бозори иштирокчиси ўзи томонидан ошкор қилинган маълумотнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади [4]. Маълумот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида жамиятга мулкий зарар етказилган бўлса, аффилиланган шахс жамият олдида ўзи етказган зарар миқдорида жавобгар бўлади. Мазкур қоидалар талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Натижалар. Сўнгги ўттиз йилликда корпоратив ҳисобдорликнинг ривожланиши натижасида аудитнинг вазифаси тубдан ўзгарди. Хусусан, ички ва ташқи аудит, аудит қўмитасини ўз ичига олган самарали ва тўлиғинча “аудит учлик”ни амалга ошириш зарурати вужудга келди [13]. Мовий Лента қўмитаси 1999 йилда корпоратив бошқарувнинг “уч оёқли воситаси” сифатида аудит қўмитаси, ички аудит ва ташқи аудитни тақдим этди [6].


Корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг ролини қуйидаги 1-расмда кўриш мумкин.

Корпоратив бошқарув тизимида

(ташқи) аудит муҳим роль ўйнайди, чунки у молиявий маълумотларни тайёрловчилар (менежмент) ва ундан фойдаланувчилар (акциядорлар) ўртасидаги бўшлиқни тўлдиради. Аудит мониторинг (назорат)нинг асосий воситаси сифатида қаралади, чунки у молиявий ҳисоботларнинг сифатини яхшилайти, акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилади ва инвесторларга сармоя киритишга доир қарорларни қабул қилишда компаниянинг аҳволи тўғрисида ишончли маълумот бериш орқали уларга ёрдам беради.

тадқиқотчилар аудитнинг вазифаси корпоратив бошқарув мозаикасининг муҳим таркибий қисми эканлиги ва агентлик муаммоларини юмшатишда муҳим роль ўйнаши ва менежментнинг оппортунистик ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишлари тўғрисида тадқиқот олиб борганлар. М.С. Jensen, W.H. Meckling ва бошқаларнинг фикрига кўра аудиторлар маълумотларнинг асимметриясини камайтиради ва ташқи фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини аниқлашга имкон беради [9].

Бундан ташқари кўпгина



1-расм. Корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг ўрни²

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига доир дастлабки илмий ишни бошлаб берган олим А.А.Каримов корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит, хусусан ички аудит хизматининг афзалликлари, ҳамда ушбу соҳа қонунчилигидаги бир

қанча муаммолар ёритилиб, уларни бартараф этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этиш орқали ушбу муаммо ва камчиликлар ҳал этилган [18].

(Ташқи) аудит нафақат принципиал-агент муаммоларини, балки принципиал-принципиал муаммоларини юмшатишда муҳим роль ўйнайди. Масалан,

² Манба: Audit function role in achieving an efficient corporate governance –conceptual model proposal. //M. Fülöp, Economics Series, Vol 23 Issue 4/2013, Babes–Bolyai University of Cluj–Napoca, Nr. 58-60 400591, Cluj Napoca, Romania.

ривожланаётган мамлакатларда агентлик муаммосини кучайтирадиган концентрациявий мулк эгалари бўлган компанияларда ташқи аудит вазифаси миноритар акциядорларнинг манфаатларини назорат акциядорларнинг манфаатларидан етарли даражада ҳимоя қилинишига ишонч ва ҳимояни яратади.


Агентлик муаммосини юмшатиш учун менежмент ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш ва уни акциядорлар манфаатларига мувофиқ равишда бажаришга ундаш учун корпоратив бошқарув асослари ишлаб чиқилган. Бунга юқори сифатли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва даромад келтириш манипуляциясини камайтириш орқали эришиш мумкин. Аудит бу менежерларни мулк эгаларининг манфаатларини ҳисобга олишга ундаш учун кузатув кенгаши томонидан қўлланиладиган мониторинг воситаларидан бири. Шунинг учун агентлик назариясига асосланиб самарали директорлар (кузатув) кенгаши ва аудит кўмитаси агентларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатишда ва назорат қилишда бош роль ўйнайди, натижада асосий агентларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда агентлик харажати

камайтиради.

Бундан ташқари (ташқи) аудит менежерларни назорат қилиш ва жорий/бўлажак инвесторларнинг молиявий ҳисоботларга бўлган ишончини ошириш орқали кузатув кенгаши (директорлар)нинг мониторинг вазифасини тўлдиради ва қўллаб-қувватлайди. Бунда аудитнинг вазифаси назарий-ҳуқуқий жиҳатдан агентлик харажати камайтиради, чунки бу маълумот асимметриясини камайтиради ва мулк эгалари ҳамда менежерлар ўртасидаги бўшлиқни минималлаштиради.

Компаниянинг ички назорати тизимида ташқи аудит корпоратив бошқарувнинг ажралмас қисмларидан бири бўлиб, у компания бошқарувини мониторинг қилишга ёрдам беради ва шу билан ошкоралиқни оширади. Аудит шаффофлик чегараси вазифасини бажаради (2-расм).

Cadbury Code (Кадбери ҳисоботида) таъкидланишича "Йиллик аудит корпоратив бошқарувнинг асосларидан биридир. ... Аудит молиявий ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тақдим этишда ташқи ва ҳолис текшириш усулини таъминлайди" [7].



2-расм. Аудитнинг шаффофлик чегараси вазифаси ³

³ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Акциядорлар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун кузатув кенгаши тўғри ва ишончли маълумотлар билан таъминланиши керак. Аудиторлик ташкилоти кенгашга ушбу мақсадга эришишда ёрдам беради. Аудиторлар ва кузатув кенгаши ўртасида очик ва ошкора мулоқот бўлиши керак.

Мунозара. Корпоратив бошқарув органлари билан (ташқи) аудитнинг алоқаси ҳамда ахборот алмашинуви, 260-сон "Бошқарувда маъсул шахслар билан ахборот алмашинуви" АХСда [10] белгиланган бўлиб, унга мувофиқ бошқарувда маъсул шахслар деб – тадбиркорлик субъектининг стратегик йўналишини назорат қилиш бўйича маъсулиятга, ҳамда корхонанинг ҳисобдорлигига тегишли мажбуриятларга эга шахс(лар) ёки ташкилот(лар) (масалан, корпоратив трастлар) таъриф этилган. Бу молиявий ҳисоботни тақдим этиш жараёнини назорат қилишни ўз ичига олади.

Бунда аудиторнинг мақсадлари қуйидагиларга йўналтирилган бўлади:

а) бошқарувда маъсул шахслар билан молиявий ҳисобот аудитига тегишли аудиторнинг жавобгарликлари ва аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддати тўғрисида қисқача маълумот юзасидан аниқ ахборот алмашилиш;

б) бошқарувда маъсул шахслардан аудит учун лозим бўлган маълумотларни олиш;

в) бошқарувда маъсул шахсларни аудиторлик жараёнида юзага келадиган ва молиявий ҳисоботни текшириш бўйича уларнинг жавобгарлигига нисбатан ўринли ҳамда муҳим бўлган мунтазам кузатувлар билан таъминлаш; ва

г) аудитор билан бошқарувда маъсул шахслар ўртасида самарали икки томонлама ахборот алмашинувини

рағбатлантириш.

Корпоратив бошқарувда назоратнинг яна бир муҳим тури бу *аудит қўмитаси* ҳисобланади. 1990 йиллардан бошлаб, хусусан Буюк Британияда Cadbury, Higgs ва Smith ҳисоботлари, АҚШда SOX (2002 йил) каби тегишли қоидалар қабул қилингандан сўнг аудит қўмитаси янада муҳим аҳамият касб этди.

Корпоратив бошқарув механизмининг бир қисми сифатида аудит қўмитаси компания раҳбарияти, ички ва ташқи аудиторлар билан биргаликда акциядорлар капитали ва манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш мақсадида назоратни амалга оширади. Аудит қўмитаси директорлар кенгаши номидан инвесторларни ҳимоя қилиш ва корпоратив ҳисобдорликни таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарувда муҳим назорат вазифасини ўз зиммасига олган ҳолда иш олиб бориш ҳуқуқига эга. Аудит қўмитаси ички бошқарувнинг натижадорлиги ва самарадорлиги тўғрисида компания раҳбарияти, ички ва ташқи аудиторлардан хулосаларни олади. Ички назорат тузилишини ва жараёнини баҳолаш аудит қўмитаси кўп дуч келадиган энг муҳим назорат вазифаларидан бири ҳисобланади. Аудит қўмитасининг назорат мажбуриятларини бажаришдаги муваффақияти уларнинг корпоратив бошқарувнинг бошқа иштирокчилари, масалан директорлар кенгаши, менежмент, ташқи ва ички аудиторлар, юридик маслаҳатчилар, профессионал институтлар, стандартлар ўрнатувчи органлар билан муносабатларига боғлиқ. Аудиторлар кузатув кенгаши ва аудит қўмитаси билан муносабати (мулоқоти) очик бўлиши лозим.

Аудит қўмитаси самарали корпоратив бошқарув тизимининг муҳим

қисми бўлиб, у раҳбарият ва бошқарувнинг бошқа аъзоларидан мустақил равишда (ташқи) аудиторлар билан доимий мулоқот олиб бориши керак. Аудит қўмитаси ҳар доим корпоратив бошқарувда муҳим роль ўйнаган. Аудит қўмитасини тузиш таклифи билан биргаликда бундаги энг асосий ўзгариш бу унинг янгича вазифаларини белгилаш, жумладан ташқи аудиторлик ташкилотини тайинлашга жавобгарлигини юкланишидир. Бу ҳозирги кунда кузатув кенгашининг қарори асосида амалга оширилиб келинмоқда. Бунда биринчи марта қўмита жорий аудитор ишининг самарадорлигини ва аудиторлик текшируви сифатини баҳолайди шунингдек, келгуси бўладиган тендирларда уларни танлаш мезонларини аниқлаш қобилиятига эга бўлади.

Шунингдек, аудит қўмитаси стратегик бузилишлар олдини олиш ва бизнес моделининг келажакдаги барқарорлигини таъминлаш, молиявий ҳисоб китобларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш, ташқи ҳисобот бўйича янги талаблар, самардорлик кўрсаткичларини рақамлаштириш орқали ўлчаш ҳамда аудиторлар молия технологияларидан фойдаланиш орқали аудит сифатини ошириш, самара келтириш ва тўлиқ тушунишни таъминлаш каби янги вазифаларни бажариши тавсия этилади.

Аудит қўмитасининг юқоридаги зарурияти ва замонавий корпоратив бошқарув тизимидаги ўрни ҳамда вазифаларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотнинг илмий натижаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг **“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонунининг 3-моддасига** аудит қўмитаси тушунчасига илк муаллифлик таърифи берилди. *“Аудит*

қўмитаси – хўжалик юритувчи субъектнинг кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган, қоида тариқасида, камида бир нафар мустақил аъзони ўз ичига оладиган, молиявий ҳисоботни тузишнинг тўғрилиги устидан назорат ўрнатилиши, мустақил аудиторлик ташкилотининг танланиши, аудиторлик текшируви ўтказилиши жараёнларини кузатиш, шунингдек ички ва ташқи аудиторлик текширувлари натижаларини олиш ҳамда ўрганиш учун масъул бўлган қўмита” [1,16].

Ички аудит корпоратив бошқарувнинг механизми сифатида қабул қилинади. Тарихий ҳужжатларга асосланиб тахминан милоддан 3000 йил аввал Месопотамия аҳолиси белги ва чек каби ички назорат тизимларидан фойдаланишган деган хулосага келишган. Аудит йиллар давомида ривожланди ва бугунги кунда биз билган бизнесдаги аудиторларнинг асосан иккита тури мавжуд: ташқи ва ички. Ички аудитнинг отаси сифатида танилган Лоуренс Сойер (Lawrence Sawyer) аудитнинг роли ҳақида мунозараларда таъкидлашча аудит қадимги Римдан бошланган узоқ ва ёрқин тарихга эга [12].

Ички аудитнинг функцияси бу компания ичида ички аудит хизматини кўрсатиш учун жавобгарлигидир. Ички аудит функциясининг самарали ишлаши учун асос бўлиб уларнинг ваколатлари IAS International Standards-халқаро стандартлари ва уларни жорий этилиши ҳисобланади [11]. Корпоратив бошқарув тизимида ички аудитнинг асосий вазифаси аудит қўмитаси орқали амалга оширилади.

Охириги жаҳон молиявий инқирозлари бу ҳисоб тизимидаги фирибгарликлар rischi ҳар қандай иқтисодий тизимга салбий таъсир кўрсатишини исботлади. Шу маънода ахборотнинг шаффофлигини

таъминловчи ва бозор рақобатбардошлигининг ажралмас элементи ҳисобланадиган корпоратив бошқарув, хусусан унинг ички назорат тизими бу муаммога самарали ечим ҳисобланади.

Иқтисодиёти жадаллик билан одимлаётган Ўзбекистоннинг узлуксиз ва барқарор ривожланиши бевосита ушбу элементларнинг самарали ишлашига боғлиқдир. Жумладан корпоратив бошқарув моделларининг конвергенцияси туфайли иқтисодиётда замонавий корпоратив бошқарув модели вужудга келиши ва унинг асосий орган ҳамда элементи, хусусан ички аудитнинг такомиллашуви орқали ушбу мақсадларга эришилади.

Хулоса. Аудиторлик фаолиятининг корпоратив бошқарув тизимида аҳамияти

корпоратив бошқарувнинг назорат функцияси ҳамда аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган янги таърифи ишлаб чиқиш, корпоратив бошқарув тизимида аудитнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятини оширишнинг "уч оёқли восита"си орқали асослантирилди.

Ўзбекистоннинг корпоратив бошқарув тизимида аудит қўмитасини киритиш ва унга муаллифлик таърифини бериш орқали замонавий корпоратив бошқарув тизими таклиф этилган. Амалдаги тафтиш комиссиясини тугатиш, унинг асосий вазифаларини ташқи аудитга, маълум бир вазифаларини аудит қўмитасига ўтказиш ҳамда аудит қўмитасининг вазифа ва функцияларини янги тартибда белгилаб олиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-677-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сонли "Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази бош директорининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2383).
5. Arens, A., Elder, R. & Beasley, M., Auditing and Assurance Services, 14th ed., 2012, Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ.
6. Blue Ribbon Committee on Improving the Effectiveness of Corporate Audit Committees Report and Recommendations. New York: New York Stock Exchange and National Association of Securities Dealers, 1999.
7. Cadbury Code, The Report of the Committee on the Financial Aspects of Corporate Governance: The Code of Best Practice, Gee Professional Publishing, London, December 1992.



8. Cordoş G., Fülöp M.T. Audit expectation gap: fundamental questions and possible solutions, European Research Development in Horizon 2020, Lumen Media Publishing 2013, ISBN-10: 1910129003, ISBN-13: 978-1910129005, p.111-120.
9. Jensen M.C. and Meckling W.H. Theory of the firm: Managerial behavior, agency costs and ownership structure, Journal of Financial Economics Volume 3, Issue 4, October 1976, Pages 305-360.
10. Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, And Related Services Pronouncements, Volume I-III includes the IAASB's, The International Federation of Accountants (IFAC), 2020.
11. Institute of Internal Auditors. Strong Foundations: A Pulse of Internal Audit Supplemental Report, 2017.
12. Pickett, K. The Essential Handbook of Internal Auditing. New Jersey: John Wiley and Sons Ltd., 2005.
13. Porter, B. The audit trinity: the key to securing corporate accountability. Managerial Auditing Journal, 2009. 24(2), 156-182.
14. Sarbanes-Oxley Act of 2002, Public Law 107–204, 107th Congress, USA.
15. Ашуров З., "Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми", Монография, 2019 й, Лессон Пресс, -276 б.
16. Баракаев О.О. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит: назария, методология ва амалиёт. Илмий монография, – Т.: "Chinor fayzi baland", 2021, – 288 б.
17. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.
18. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 152 б.
19. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2009. -456 с.;
20. www.ifac.org
21. www.lex.uz
22. www.mf.uz